

# Уста фожиаси

• БЎЛГАН ВОҚЕА •

МАҲАЛЛАДА уни ҳамма «Коля амаки» ёки оддийгина «Николай ака» деб чақирарди. Николай ака етмиш ёшни «уриб» қўйган, нисбатан анча ёш кўринадиган, қора соқолли киши эди. Гарчи эти устихонига ёпишган, шундоққина суяклари саналиб турадиган ботиқ кўкси, заъфарон ранги нохуш кайфият уйғотса-да, филдек кучи бор эди: қишнинг қаҳратон кунларида ҳам, жазирама иссиқларда ҳам бировларнинг уйида тўхтовсиз ишларди. Дам олиб ўтирганини учратмаганман, гаплашиб туриб ҳам ишлайверарди. Ишламаса сувсиз ҳовуздаги балиқдек ночор сезарди ўзини. Атиги ликиллаган икки-уч тиши қолган оғзи носдан бўшамасди.

Николай ака маҳалла бурчагида икки томондан тирговуч билан тираб қўйилган кулбада сочлари оппоқ, қаримсиқ хотини, икки ўғли билан яшарди. Унинг ён-атрофида уруш пайти кўчиб келиб қолганлар истиқомат қилишарди. Болалигимизда пасха байрамлари стол атрофида тизилиб олиб, бор овозлари билан ашула айтадиган маст-аласт кишиларни томоша қилардик. Бизга бўялган тухумлар беришарди. Камдан-кам ароқ ичадиган Николай ака байрам кунлари «ғирт» бўлиб олар, болакайларни тухум билан сийларди. Ён қўшнимиз, художўй Бабушка (асл исмини билмасдик) нинг қизи Мария опага худо берарди — оёғида туролмайдиган даражада ичиб, кўчаларда тентираб юрарди. Бабушка астойдил чўқиниб, қизини қарғарди:

— Ҳозиргиларда имон-эътиқод қолмади. Черковга боришмайди, молдек ичишади. Мана, Николай, ўзи топилмас уста, лекин бор пулига кўкнор ичади.

— Николай ака, кўкнор ичадими? — сўрадим Бабушкадан.

— Ой-ой, роса ичади, ичмаса ўлади.

Николай аканинг ҳаётига қизиқишим ошиб борарди. У бизникига имоpат қургани келди-ю, бунга имконият топилди. Уста билан шартнома туздик. Маълум миқдор пулни ўзига бердик. Зинғиллаганча чиқиб кетди. Кўп ўтмай чоғроққина халтачада кўкнор кўтариб келди. Темир тароқ топиб олган калдек хурсанд, ўзича ғинғиллаб ашула айтади. Уни кузатиб турибман. Уста косага қуюқ қора чой қуйди. Сўнг бир қисим кўкнорини кир матога солиб, болғаси билан майдалади. Уни пайтавага ўхшаган бир парча латтага тўкиб, косадаги кўкнорни чойда ёрилган бармоқлари билан обдон эзғилади. Бўтана суюқлик ҳосил бўлди. Николай ака ўз ишига шунчалик берилиб кетган эдики, юз-кўзларига қўнган пашшаларга ҳам эътибор бермасди. Косадаги кўкнорини ютоқиб ичиб бўлгач, томоғини қаттиқ қириб йўталди, мўйлаби-соқолларини силади ва негадир тиржайди. Косага яна чой қуйди, бармоқлар яна ишга тушди. Уста то кўкнорнинг кучи тугагунча эзғилаб, икки-уч бор косани тўлдириб-тўлдириб ичди. Сўнг кўкнори туппасини оҳиста газета парчасига тўкиб, офтобга ёйди. Бу орада ош келди. Уста сал нарида итини қучоқлаб ўтирган ўғлини чақирди. Ота-бола ўзаро суҳбатлашиб, ош ейишга тушди. Николай ака ошни иштаҳа билан ошалаб ер, пешонасидан реза-реза тер оқарди. Ниҳоят қорни тўйиб, тили тагига бир чимдим нос отди-да, пинакка кетди. Ўғли отасига саргузашт китоб ўқий бошлади. Ҳар замонда: «Па-ап, эшитяпсанми?» деб қўярди. Шунда отаси чўчиб бошини кўтарар, ўзича завқ билан кулиб, «Қизиқ экан», дерди. Аслида у ҳеч нарсани эшитмас, кўкнори хаёллари билан банд эди...

Бир куни Николай акадан кўкнорига қандай ўрганганини сўзлаб беришни сўрадим. У коса тўла суюқликни учинчи бор симириб, нос чекди, юзларига қизил югурди.

— Сибирдан тўғри Қозоғистонга кўчиб келдик, — дея ҳикоясини бошлади у. — Ниҳоятда гавдали, азамат йигит эдим. Чорвадор бойнинг қўйини боқдим. Қозоқлар жуда меҳмондўст, кўнгли очиқ халқ. Ҳар куни қозон тўла гўшт қайнайди, беш бармоқ пишади. Аввалгидан ҳам тўлишиб, қорин қўйдим. Юрганда харсиллардим. Хўжайин бир куни маслаҳат берди: «Ихчамлашнинг йўли бор. Ҳар куни шундан жиндек ичиб турсанг, нозик йигитчага айланасан». У пайтларда ўлгудек ичардим. Ароқ сероб эди. Шундай қилиб, жиндек-жиндек ичиб юриб, кўкнорига ўрганиб қолдим. Устачилик ҳам қўлимдан келарди. Кўкнорига пул ишлаш учун одамлар уйида ишлашга ўтдим. Роса кўп пул топардим. Лекин ҳаммасини кўкнорига сарфлардим. Кайф қилиб олгач, тўхтовсиз ишлардим, қандайдир кўринмас куч тинч ўтиргани қўймасди. Баъзилар кўкнори ичишса, чалажон бўлиб ётишади. Мен эса ишлайман...

Дарвоқе, тўхтовсиз ишлаш Николай аканинг устачилик маҳоратини оширди. У теша, пойтеша, болта, андоваларни шундай санъат билан ишлатардики, томоша қилиб, завқланардик. Устанинг ноёб одати бор эди — тахта танламасди. Бошқалар ташлаб юборган тахталардан пол қоқар, ажойиб жовонлар ясарди. Чинозга бориб, Николай ака қурган иморатларни кўздан кечирсангиз, устанинг маҳоратига тан берасиз. Иморат қирралари, бурчаклари тўғри чиқарилган, ойнадек текис сувалган. Иморат чинни идишдек жаранглайди. Эшик-деразаларнинг кўркамлигини айтмайсизми? У ясаган эшик-дераза, ром ва жовонларнинг пишиқлиги, ёзда ҳам, қишда ҳам бирдек туриши одамларни ажаблантирарди.

Николай ака сомонли лойни қуйидагича тайёрларди: аввал сомонни майдалаб қирқиб, тупроқ билан аралаштирарди. Сўнг плёнкани ерга тўшаб, устига сомонли лой ташларди. Икки-уч кун плёнка билан ўраб, «дим»лаб қўйилган лой халимдек юмшоқ, сирачдек ёпишқоқ бўларди. Уста баъзан бирор ёриқ ёки қийшиқ жойни тўғрилаш учун соатлаб ишларди, токи кўнгли жойига тушмагунча тўхтамасди. «Одамлар мен қурган иморатлардан завқ олишсин, раҳмат дейишсин», дерди уста. Ана шундай ҳалол-пок меҳнат унинг обрўйини оширди: Николай акани сўроқлаб Қозоғистон, Тошкент, Сирдарёдан одамлар келар, баъзан пойтахтдаги амалдорлар уни олиб кетишарди.

Юксак қурувчилик, дурадгорлик санъатини эгаллаган устанинг бири икки бўлмас, лаънати кўкнори унинг топган-тутганини елга совурар, оиласи бошига кулфатлар ёғдирарди. Эрининг тирик «темир одам»га айланиб қолганидан, рўзғор ташвишларидан куйган аёлнинг умри шамдек сўниб борарди. Кунлардан бир кун уни поезд босиб кетди, катта ўғли бировни ўлдириб қамоққа тушди. Энди кичкина ўғли отасига эргашиб хонадонма-хонадон юрар, ҳеч ким йўқ пайтида кўкнори ичиб, мажолсиз чўзилиб ётарди. Николай ака оила ва фарзандлари тақдирини идрок этолмасди назаримда. У фақат иш ва кўкнори ичишнигина ўйларди. Бошқа нарсаларни сариқ чақага ҳам олмасди. Хотини ҳалокатидан сўнг уйини сотди. Энди ота-бола иморат қурдираётган кишиларникида яшардилар. Одамлар уларга эски кийимларини беришар, баъзилар янги костюм-шим совға қилишарди.

— Бир куни хотиним мени Сибирга, қариндош-уруғлар олдига олиб кетмоқчи бўлди, — деб ҳикоя қилганди Николай ака. — «Коля, у ерда кўкнорини эсдан чиқарасан, биз ҳам одамлар қатори яшаймиз». Бояқиш хотиним тирноғимгача кўкнори сингиб кетганини, мени даволаш бефойдалигини билмас эди. Поездда кетяпмиз. Ярим йўлга борганда шунақаям хумори тутдики, аъзойи баданим қалтирай бошлади. Ҳар эҳтимолга қарши кўкнорини туйиб, халтага солиб олганман, лекин ичишга қўрқаман. Ниҳоят чидолмасдан ҳожатхонага кирдим. Оғзимга кўкнорини солиб, сув аралаштириб, шимишга тушдим. Узоқ ўтириб қолибман шекилли, эшикни дамба-дам тақиллатишарди. Сибирга минг азобда етиб келдик. Кўкнори тугаган, унинг ҳумори қўймайди. Хотиним магазиндан уч-тўрт шиша ароқ олиб келди. Молдек ичдим. Қани энди хумор босилса! Ароқ кўкнорининг ўрнига ўтмас экан. Яна Ўзбекистонга қайтиб келдик...

Уста ёз бўйи ичган кўкнорилари туппаларини қуритиб, қопларга жойлаб, эҳтиётлаб сақлар, қишда ўшани ичиб, ҳуморини босарди. Бунинг учун кўкнори қолдиқларини идишга солиб қайнатар, сўнг ўзи ясаган махсус мосламада прессларди.

Гиёҳвандликка ҳужум бошланди. Кимнинг уйида икки-уч дона кўкнори топилса ҳам жавобгарликка тортиларди. Одамлар Николай ака хизматидан фойдаланмай қўйишди. Чиноз район коммунал хизмат кўрсатиш бўлимининг собиқ бошлиғи Рустам Эшонхўжаев ночор аҳволда қолган устани «Христианлар қабристони» қоровуллигига тайинлади. Энди у қабристон ёнига омонатгина кулба қуриб шу ерда яшай бошлади.

Бир куни Николай ака кулбаси томига қаердандир топиб келган кўкнорисини ёйиб, қуритаётганда ички ишлар бўлими ходимларидан бири кўриб қолди. Оёғини ерга теккизмай олиб кетишди. Уни ашаддий гиёҳванд сифатида «ойнаи жаҳон» орқали кўрсатишди, рўзномаларда ёзишди. Лекин Николай аканинг тенги йўқ уста эканлиги, юзлаб ажойиб иморатлар қурганлиги ҳақида ҳеч ким оғиз очмади. У обрў-эътиборли одамлар учун ҳам гўзал бинолар қурган эди. Ўшаларнинг бирортаси бахти қаро устанинг ёнини олмади. Ёнини олган тақдирда ҳам ҳаётини сақлаб қололмасди. Уста учун кўкнорисиз ҳаёт ўлим билан баробар эди.

... Николай ака икки йилдан сўнг яна маҳалламизда пайдо бўлди. Энди уни таниш қийин эди: қадди букчайиб ҳассасига таяниб қолган, ич-ичига тушиб кетган кўзлари одамларга илтижо-ўтинч билан боқарди. Уста ўзи қурган бинолар ёнидан оёқларини зўрға судраб ўтар, лоақал бир чимдимгина кўкнори топилишини истарди. Афсуски унинг бутун ҳаёти, соғлиғи, оила аъзоларини ямлаб ютган машъум кўкнори энди ҳеч кимда йўқ эди!

Уста қабристон ёнидаги ночор кулбасига деярли судралиб борди. Тун қоронғусида қабрларга ўрнатилган хочлар ваҳимали кўрина итлар тинимсиз акилларди. У увада кўрпага ҳолсиз чўзилди. Сарғайиб кетган бармоқлари худди кўкнори эзаётгандек қимирларди. Ана, сариқ юзларига табассум ёйилди. Хаёлида бир коса кўкнори ичгандек туюлди. Вужуди енгиллашди. Аъзойи-баданини титроққа солаётган хумор азоби тўхтади. Устанинг жабрдийда руҳи қабристонни бир айланиб, дорул бақога учиб кетди...

... Чинознинг христианлар мозорида ғарибгина бир қабр бор. Бу қабр остида қўли гул уста, тенги йўқ дурадгор, ўзига хос устачилик санъатини яратган ва охир-оқибатда кўкнори қурбони бўлган Коля амакининг чириган суяклари ётибди.

Мен ичкиликка берилган қобилиятли кишилар, наша-кўкнориларнинг лаҳзалик «ҳузури»га алданган ёшларни кўрсам уста фожиаси ёдимга тушади, уларни йўлдан қайтаргим келади...

**Эсон ҚОСИМОВ.**

---

*• Хориждаги ватандошларимиз қўшиқларидан*

# «АЛЛА БЎЛГИН, АЛЛА БЎЛ!»

ҲУРМАТЛИ муштарийлар! Биз аввалги чиқишларимиздан бирида хорижий юртларда яшаётган ватандошларимизнинг «Ёр-Ёр» («Ўланак»)ларидан намуналар чоп этган эдик. Мазкур мавзуни яна давом эттирмоқчимиз. Қуйида Афғонистонда ўзбек тилида чоп этиладиган «Юлдуз» рўзномасидан олинган ва у ердаги ўзбек аёллари томонидан куйланадиган «Алла» қўшиғининг бир матнини келтирамиз:

«Ўзбек миллиятининг ботур ва жасур оналари ҳам алла айтиб болалар бешигини ва алғунчаги (беланчаги)ни тебратиб болаларини ўтқизадилар.

Шу асосида ўзбек тилининг ёш шоири Қуддус Қилич асрий ва замонавий услубда ўз таъби ва ўйларини бир алла шеър айтиш билан кўрсатган.

Алла бўлгин жон болам,
Мен сенга қурбон болам,
Боғимда сан булбулим,
Сан-сан тўтийи дилим,
Алла бўлгин, алла бўл!

Кифтингга милтиқ осиб,
Тоғу-тошларни кезиб,
Қилгин ўлкани обод,
Ёвлар бошини кесиб,
Алла бўлгин, алла бўл!

Бир қўлга милтиқ олиб,
Бир қўлингга қалам ол,
Жангларда ботир бўлиб,
Берма душманга маҳол,
Алла бўлгин, алла бўл!

Аёл — эркак бир бўлиб,
Бир-биризга қўл бериб,
Ўлкани обод айланг,
Ёвлар тухмини қириб,
Алла бўлгин, алла бўл!

Вақту замон ўтгувчи,
Ўлка сенга қолгувчи,
Бир бўлиб қувватласанг,
Етмас душманнинг кучи,
Алла бўлгин, алла бўл!

Араб алифбесидан ҳозирги ёзувга ўгириб, айрим тузатишлар билан оққа кўчирувчи:

**Д. МУРОДОВ.**

